

асосланувчи концептуал фазалари ўртасидаги дискурсив-синергетик изчилликни қайд этиш имконини яратди. Когнитивликдан концептуалликка ва аксинча концептуалликдан когнитивликка интилган ҳолда воқеланувчи ушбу фазалар ўртасидаги дискурсив-синергетик боғланиш улардан бирининг иккинчиси учун прототип манба вазифасини ўташига асосланади.

Дарҳақиқат, нарсаларнинг инсон хиссиётига

таъсири туфайли рефлексив фаолиятнинг ишга тушиши, бунинг натижасида образли ва образсиз концептларнинг вужудга келиши, номинатив мақсад ва манба мақомидagi концептлар когнитив-дискурсив интеграциясига асосланувчи номинатив маънода мужассамланиши инсон лингвокогнитив қобилиятига хос сир-синаотни тарихий тадрижиятдан эмас, балки унинг ички дунёсидан ахтаришга ишора қилади.

Адабиётлар

1. Bowerman M. Semantic Factors in the Acquisition of Rules for Word Use and Sentence Construction. In Morehead and Morehead (1976), 99-179.
2. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. –С.123.
3. Гак В. Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков – М.: Междунар. отношения, 1977. –С. 264.
4. Захаренко Е. Н., Комарова Л. Н., Нечаева И.В. Новый словарь иностранных слов: свыше 25 000 слов и словосочетаний. - М.: ООО ИФ «Азбуковник», 2008. –С.1040.
5. Звегинцев В.А. Семасиология. - М.: МГУ, 1957. –С. 324.
6. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. Изд. 2, доп. URSS. 2010. –С. 344.
7. Кубрякова Е.С., Демьянов В.З. Панкрац Ю.Г. Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. - М.: Филологический ф-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. – С.245.
8. Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). - М.: Языки славянской культуры, 2004. –С. 560.
9. Кульчицкая, Л. В. Понятие "когнитивная" и "концептуальная" метафора в отечественной лингвистике раннекогнитивного периода // Вестник Бурятского государственного университета. 2012. Вып. 11: Романо-германская филология. - С. 85-90.
10. Лурия А. Р. Язык и сознание. / Под редакцией Е. Д. Хомской. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1979 –С. 320.
11. Маматов А.Э. Ўзбек тилшунослигининг долзарб мумаммолари. Мақолалар тўплами. – Андижон: 2012. 212-221-б.
12. Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм. -Тошкент: Университет. 2004. 358-б.
13. Никитев В.М. Основы номинативной деривации. –Минск: Высш. шк., 1985. –С. 157.
14. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. Учебное пособие. 2-е издание, дополненное и исправленное. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2007. –С. 819.
15. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике//Хрестоматия по истории русского языкознания. - М.: "Высшая школа", 1973. –С. 274.
16. Почепцов, О.Г. Языковая ментальность: способ представления мира Текст. / О.Г. Почепцов // Вопросы языкознания. - М.: 1990. № 6. -С. 110-122.
17. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик, – Жиззах: «Сангзор», 2006. 87-б.
18. Сафаров Ш. Семантика. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. 344-б.
19. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: "Баёз", 2015. 248-б.
20. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск: 2018. –С. 315.
21. Тезисы Пражского лингвистического кружка. История языкознания: XIX 1-я половина XX в. / Сост., автор комментариев и заданий д-р филол. наук З.И. Резанова. -Томск: Изд-во Том. ун-та, 2010. Ч. 1. –С. 266.

РЕЗЮМЕ

Номинация — эҳтиёж, ҳаракат, мотив, мақсад каби мезонларга асосланувчи фаолият бўлиб, эҳтиёж борлиқ ҳақида маълумот олишга бўлган ички интилишни ва талабни тақозо этади. Ушбу интилиш эса эмпирик ва рационал воситаларни ҳаракатлантиради. Мақолада диффуз, туб ва ясама номинантларга хос умумий когнитив-дискурсив структура билан бутун-қисм муносабатига асосланувчи номинатив маъно муштараклиги ҳамда унинг когнитив, концептуал асослари ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

Номинация — это деятельность, основанная на таких критериях, как потребность, действие, мотивация, цель; она продиктована потребностью и внутренним стремлением к получению информации о бытии. Это стремление, в свою очередь, задействует эмпирические и рациональные средства. В статье идёт речь о когнитивно-дискурсивной структуре, общая для приведенных выше диффузных, корневых и сложных слов, связана с идеальной когнитивной моделью и номинативным значением, основанным на отношениях часть-целое.

SUMMARY

A nomination is an activity based on criteria such as need, action, motivation, goal; it is dictated by the need and inner desire to obtain information about being. This desire, in turn, employs empirical and rational means. The article deals with the cognitive-discursive structure, common to the above diffuse, root and complex words, associated with an ideal cognitive model and nominative meaning based on part-whole relationships.

СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРИЗМИГА ОИД КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР

В.Ш.Раҳимов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: туристик-спорт ҳаракати, спорт туризми, спорт-соғломлаштириш туризми, туристик-спорт оперейтинг менеджери, касбий фаолият, компетентлик ёндашувлар.

Ключевые слова: туристическое-спортивное движение, спортивный туризм, спортивно-оздоровительный туризм, менеджер туристическо-спортивного оперейтинга, профессиональная деятельность, компетентностные подходы.

Key words: tourist and sports movement, sports tourism, sports and health tourism, manager of tourist is and sports operating, professional activity, competence-based approaches.

Ҳозирги пайтда спорт-соғломлаштириш туризмида кадрлар тайёрлашни касбий фаолият ва компетентлик ёндашувлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш долзарбдир. Жамият ривожланишининг аввалги даврида туризм ва спорт соғломлаштириш-билим орттириш соҳаси давлат хизматларига тегишли эди.

Мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг бозор механизмлари туризм ва спортни ташкил этишининг махсус талабларини аниқлаб бормоқда, уларнинг ўзаро

таъсири, туристик-спорт ҳаракати хизматлари соҳасида янги йўналиш пайдо бўлишини таққоза этмоқда.

Шу билан бирга, ҳаваскорлик туризми, тури хил юриш, сув, велосипед, экстримал туризми ва бошқа туристик ҳаракатларда амалга ошириувчи туристик-спорт фаолияти ривожланмоқда, Спорт туризми алоҳида спорт тури сифатида Ягона спорт таснифига киритилган.

Соғломлаштириш ва аҳолининг маърифий-таълим фаолияти масалаларида спорт, аниқроғи ихтисослашган (спорт) туризм вазифаларини кенгайтириш, ҳаваскорлик фаолиятининг ўсиши оммавий, спорт-соғломлаштириш мажмуасига айланиши билан боғлиқ, унинг моҳиятини ўзгартиришга олиб келди. Бизнинг талқинимизда туристик-спорт ҳаракати бугунги кунда катта вазифалар мажмуи билан ифодаланади.

Айнан аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг юксак ижтимоий аҳамияти, шунингдек, муҳим молиявий айланма ушбу хизмат кўрсатиш секторини ижтимоий-иқтисодий соҳа сифатида унинг меъёрий-ҳуқуқий асоси, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, дастурий-услубий базаси ва мутахассис кадрлар билан таъминланган ҳолда институционаллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Ҳозирги вазият юқори ижтимоий-маданий даражадаги туристик-спорт хизматларини кўрсатишга қодир бўлган малакали мутахассислар муаммоси билан боғлиқ ва иқтисодий таъсирга эга. Бу эса юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни таъминлашга қодир кадрлар ресурсларини талаб қилади.

Булар туристик-спорт корхоналарининг турли бўғинлари учун фаолият юритувчи туристик-спорт оперейнинг менежерларидир.

Бирок, Ўзбекистон таълим тизимида аҳолининг бўш вақтини туризм ва спорт воситалари билан тўлдиришга қодир, ушбу профил мутахассисларини тайёрлаш мумкин бўлган, ихтисосликлар ва таълим дастурлари мавжуд эмас.

Туризмнинг таркибий қисми сифатида дунёнинг қўллаб-мамлакатларида туристик-спорт ҳаракати ўзининг ташкилий тузилиши, белгиланган хизмат кўрсатиш тизими ва «ҳамроҳлик фаолият турлари», спорт ресурсларини импорт-экспорт қилиш (спортчиларни сотиб олиш ва сотиш шартнома суммалари ва мукофот пулларини тўлаш, рекламани сотиш савдоси билан ажралиб туради).

Ижтимоий турмуш сифатида аҳолининг дам олиши, туризм ва спорт билан тўлдирилган ўзининг ташкилий асосларига, режалаштирилган маршрутларга, гуруҳларни тўлдиришнинг белгиланган тартибига, иштирокчиларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини таъминлашга, ҳавфсизлик шароитларини яратишга ва бошқаларга эга.

Мамлакатда илмий-техник тараққиётнинг замонавий ривожланиши интеграциялашган дам олиш иқтисодиёти мажмуасининг ривожланишига кучли туртки берди, бу эса ўз навбатида туристик-спорт ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий самарасини таъминлайди. Бундан ташқари, туристик-спорт фаолияти ўзига хос гуруҳи спортчилар, спорт жамоалари, уларнинг мухлислари ва мутахассислари, мураббийларининг ҳаракатлари (ҳаракатлари) билан боғлиқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар туристик-спорт оперейнинг менежерларини тайёрлаш қоидаларини ўрганиш ва унинг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш заруратидан иборат тадқиқот муаммосини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот объекти: туризм соҳасида касбий таълим.

Тадқиқот предмети (мавзу): туристик-спорт оперейнинг менежерларни касбий тайёрлаш.

Тадқиқот мақсади: таълим мазмуни, туристик-спорт оперейнинг менежерларини касбий тайёрлаш шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Замонавий шароитда туристик-спорт оперейнинг менежерларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

2. Туристик-спорт оперейнинг менежерларини тайёрлаш учун касбий тайёрлаш таълим мазмуни ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

3. Туристик-спорт оперейнинг менежери - мутахассисларини касбий тайёрлаш шакллари ва усулларининг самарадорлигини аниқлаш ва экспериментал текшириш.

Тадқиқот фарази: туристик-спорт оперейнинг менежерларни касбий тайёрлаш самарадорлиги ва меҳнат бозори талабларига жавоб беришига оид:

1) ижтимоий амалиётда туризм ва спорт менежменти машғулотнинг тузилиши ва мазмунида спорт фаолияти ва спорт турлари амалиётини; туристик-спорт менежерлари ихтисосининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини; туризм ва спортнинг реклама-ахборот фаолиятини, туризмда менежмент ва рекреалогияни; спорт тадбирлари давомида туристик тадбирларни ташкил этишни ўз ичига олади;

2) юқори хизмат кўрсатиш маданияти профессионалликни, малакалиликни, жамоа, клуб билан ишлаш қобилиятини, кузатувчанликни, бағрикенгликни, ташкилотчиликни, сезгирликни, фаолликка тайёрликни, ўқитиш шакллари туризм ва спорт мутахассислиги учун касбий аҳамиятга эга бўлган бошқа фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради;

3) туристик-спорт ихтисослиги бўйича мутахассисларнинг қуйидаги вазифаларини амалга ошириш учун етарли кўникмаларни шакллантиришни таъминлайдиган ўқитиш услублари жамулжам ишлаб чиқилади;

4) ташкилий (мусобақаларда тайёргарлик кўриш ва чиқиш билан боғлиқ бўлган жамоа турларини ташкил этиш; кўп сонли иштирокчилар ва томошабинларнинг келиши билан боғлиқ мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш; маршрут билан қайтиб жўнатишни ташкил этиш ва бошқалар.);

5) информацион (ахборот) (қалам ҳақи (гонорар) олишга қаратилган телерепортажлар ва бошқа турдаги реклама фаолиятини ташкил этиш);

6) когнитив (тарбиявий) (миллий шарт-шароитлар, спорт тадбирлари ўтказиладиган мамлакатлар аҳолисининг турмуш тарзи билан танишиш);

7) молиявий (спорт туризмни молиявий қўллаб-қувватлаш; спорт тадбирлари, спорт жамоалари, спорт туристик маршрутлари); туристик ресурсларни экспорт қилиш; ғалабалар учун мукофот пуллари ҳажмини аниқлаш, сувенирларни тарқатиш;

8) ижтимоий-маиший (туристларга - томошабинларга, мухлисларга хизмат кўрсатиш бўйича ишлар; мусобақалар давомида жамоалар ва мухлислар учун қулай шароит яратиш; спорт туризми соҳасида мусобақалар ва чемпионатларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш (минтақавий, миллий ва халқаро дастурлар);

Тадқиқотнинг методологик асоси-шахс ва индивидуаллик мавзуси (предмети) сифатида шахс, унинг умумий ва касбий ривожланишининг ижтимоий таърифи ҳақидаги фалсафий ва педагогик антропологиянинг қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади. Махсус тадқиқот методологияси сифатида касбий таълимга тизимли шахс-фаолият ва маданий ёндашувлар қўлланилади. Тадқиқотнинг назарий асослари касбий таълимнинг ишлаб чиқилган назариясидан шаклланади.

Тадқиқот усуллари. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш ва дастлабки тахминларни синаб кўриш учун бир-бирини тўлдирадиган ва текширадиган тадқиқот усуллари тўплами қўлланилади: назарий таҳлил усуллари, сўроқ, интервью олиш, тест, рейтинг баҳолаш, статистик маълумотларни қайта ишлаш усуллари, педагогик кузатиш, экспериментал усуллар, педагогик эксперимент.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики:

- туристик-спорт оперейтинг менежер мутахассисларни касбий тайёрлашга қўйиладиган талаблар мажмуи жамият ҳаётидаги ижтимоий ва иқтисодий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда (туризм ва спорт соҳасига иқтисодий талабларнинг кириб келиши, ушбу ихтисос (профил)даги мутахассисларнинг иқтисодий фаолият мажмуасини муваффақиятли ривожлантиришдаги ролини ошириш ва бошқаларни) ишлаб чиқилади;

- касбий таълим мазмунини куриш усуллари ва туристик-спорт оперейтинг менежерларини касбий тайёрлашнинг самарали шакллари ва усуллари (ишбилармонлик ўйинлари тизими, махсус тренинглари, таълимни индивидуаллаштириш ва фарқлашни таъминлайдиган таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти) аниқланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти туристик-спорт оперейтинг менежерларининг касбий тайёргарлиги сифатини оширадиган илмий ва услубий тавсияларни асослаш; туристик-спорт оперейтинг менежерлари мутахассисларини тайёрлашга оид таълим стандарти ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг асослиги ва ишончлилиги дастлабки методологик услубий асослилиги билан таъминланади: тадқиқот мақсади, мавзуси (предмети), вазифалари ва мантикига мос келадиган усуллар мажмуасидан фойдаланиш; репрезентатив манбалар негизи ва текширишга танланганлар намунаси; олинган натижаларнинг статистик аҳамияти.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, инсон ресурслари ва ихтисослашган туризм, ушбу туристик миграция ва мижозларнинг ҳақиқий мотивацион сабабларига кўра, туристик-спорт оперейтинг менежерлари ихтисослигига алоҳида эътибор бериши кераклигини таъкидлаётган.

Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) бош Ассамблеясининг ички ва халқаро салоҳияти, талабни баҳолаш муаммолари бўйича ҳужжатлари ва қарорлари материаллари таҳлили шуни кўрсатдики, инсоннинг саломатлиги ва жисмоний тарбияси билан боғлиқ туризмнинг номоддий жиҳатларига, шу жумладан туристик-спорт фаолияти билан боғлиқ янги йўналишларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигига бизни ишонтирмоқда.

Шу муносабат билан Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) томонидан туристик-спорт оперейтинг секторининг роли, нафақат спорт ихтисоси (профили)даги ихтисослашган туризм бозори сегментларини ва дам олишнинг фаол шакллари, балки барча спорт билан боғлиқ бўлган ихтисослаштирилган, бандлик ва туризмнинг бошқа сегментларини ва турларини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир деб ифодаланади.

Иқтисодий вазиятни, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ва туризм ва спортнинг оммавий ва фаол шакллариининг ижтимоий таъсирини конструтив башоратлаш таҳлили натижаси

бизга «Туристтик-спорт ҳаракати» доирасида хизмат кўрсатиш соҳасида янги йўналишнинг яратишга имкон бермоқда.

Бу эса ўзига хос хусусиятларга оид: ижтимоий таъсир, спорт воситалари билан туризм фаолиятига жалб қилинган аҳолининг кўплиги билан тавсифланади; клубларнинг жадал шаклланиши; спорт тадбирлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг махсус шакллари (ўзаро муносабатларнинг шартнома шакллари; спорт қадриятларининг экспорт-импорти ва бошқалар); молиявий-хўжалик фаолиятига ходимлар ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини жалб қилиш билан сезиларли молиявий айланма билан белгиладиган иқтисодий самара даражаларини ўз ичига олади.

Адабий манбалар, расмий ҳужжатлар ва туристик-спорт ҳаракатида иштирок этишнинг шахсий тажрибаси таҳлили янги йўналишдаги мутахассисларнинг касбий фаолияти мазмунининг фаразий моделини шакллантиришга ва кўп босқичли кадрлар тайёрлаш тизимида мутахассисларни ўқитишнинг зарур мазмунини аниқлашга имкон беради.

Биз соғломлаштириш-билим орттириш мақсадидаги оммавий туристик ҳаракатини спорт туризми билан уйғунлаштирган ҳолда, ҳам Ўзбекистон Республикасида, ҳам дунё мамлакатларида туристик-спорт ҳаракати преференцияларга эга, туристик-спорт ҳаракатининг асосий тузилмасини белгилаб олдик: Бу туристик-спорт ҳаракатининг типологик тузилмалари: давлат туризм ва спорт бошқарув органлари, спорт-туризм тузилмалари, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари ва уюшмалар, клублар, ҳаваскор туризм тузилмалари ва вақтинчалик ташкилий қўмиталар,

Аммо, шу кунга қадар туризм ва спорт ҳаракати тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришда қатъий белгиланган меъёрий-ҳуқуқий базага, ҳуқуқий мақомга, дастурий ва услубий асосларга ва мутахассис кадрларга эга эмас, бу эса Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиёти ривожланишида (спорт қадриятлар, мураббийлар, хорижда мутахассислар оқими) ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса. Ўтказилаётган тадқиқот натижаларига кўра, мутахассислар тайёрлашнинг жорий йўналишлари ва мутахассисликлари, шунингдек, педагогик тажриба натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, юртимизда туристик-спорт ҳаракатини янада ривожлантириш борасида олий таълим муассасларида амалдаги «Жисмоний мадания ва жисмоний тарбия» ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлашга оид «Спорт менежменти» таълим йўналиши доирасида янги «Туристтик-спорт оперейтинг менежери» таълим йўналишини жорий этишни таъкидлаётган.

Шу муносабат билан, олий таълим тизимидаги «Касбий-таълим стандартлари»ни яратиш концепциясига мувофиқ, юқорида қайд этилган таълим йўналиши бўйича касбий таълим стандарти, ўқув ва мавзуй режалар, ўқув дастурлари (модулли версиялари) лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Алексеева О.В. Профессионально-деятельностный подход к подготовке студентов по спортивно-оздоровительному туризму: теоретические основы исследования. - Улан-Удэ: Изд-во Бурят, гос. ун-та, 2010.
3. Гулиев Н.А. Социально-культурные основы формирования профессиональной компетентности менеджера регионального туризма: монография. - М.: Флинта; Наука, 2006.
4. Методология профессионального туристского образования: /М.Я.Виленский, В.А.Горский, В.И.Жолдак и др.; Науч. ред. В.А.Квартальнов и др. - М.: Сов. Спорт, 2001. -С. 197.
5. Рахимов В.Ш. Соғломлаштириш туризмни ижтимоий-педагогик муаммолари / Ўзбекистон таракқиётининг янги даврида педагогик фикрлар таракқиётининг хусусиятлари ва истикболлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. // Инновацион ривожланиш вазирлиги. Қўкон давлат педагогика университети. -Қўкон: 2021. 321-323-б.

6. Федотов Ю.Н., Востоков И.Е. Спортивно-оздоровительный туризм: Учебник. -М.: «Советский спорт», 2002. -С. 364.

7. Федякин А.А. Теоретико-методические основы оздоровительного туризма. // Автореферат докт. дисс., -Майкоп: 2001, -С. 31-37.

РЕЗЮМЕ

Мақолада спорт-соғломлаштириш туризмига профессионал фаолият ва компетентлик тарзда ёндашувлар асосланган берилган. Спорт-соғломлаштириш туризми бўйича туристик-спорт оперейтинг менежерларни касбий тайёрлашнинг моҳияти очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обоснованы профессиональные и компетентностные подходы к спортивно-оздоровительному туризму. Раскрыта сущность профессиональной подготовки менеджеров туристско-спортивной оперейтинга по спортивно-оздоровительному туризму.

SUMMARY

The article substantiates professional and competent approaches to sports and wellness tourism. The essence of the professional training of managers of tourist and sports upper-rating on sports and health tourism is revealed.

ТЕХНИК-МУХАНДИСЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВНИНГ МОҲИАТИ

Д.С.Рўзиева – катта ўқитувчи

Бухоро муҳандислик -технология институти

Таянч сўзлар: тизимли ёндашув, тизим тамойиллари, касбий компетенция, моделлаштириш, ахборотлаштирилган муҳит.

Ключевые слова: системный подход, системные принципы, профессиональная компетентность, моделирование, информационная среда .

Key words: system approach, system principles, professional competence, modeling, information environment.

Ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олувчиларни замонавий ишлаб чиқариш муҳитига мослаштириш, шу билан бир қаторда, глобаллашув шароитида халқаро таълим интеграцияси имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ касбий муаммоларни замонавий материалларни мукаммаллаштириш асосида ҳал қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда аниқ ва табиий фанлар тизими асос бўлиб хизмат қилиши долзарб ҳисобланади.

Техник муҳандисларнинг касбий фикрлаш тараққиёти кенг микёсда муҳандислик фаолияти унинг мазмуни ва ечимини англашда вазифаларни шакллантириш жараёнини ва улардан фойдаланиш имкониятларини тўлиқлигини англатади. Ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши учун ишлаб чиқаришни яхши биладиган, соҳага оид ўзига хос билимларга эга бўлган ва ишлаб чиқариш шароитида ишлашга тайёр бўлган кадрлар етказиб беришда техник фаолият муҳим ўрин эгаллайди. Техник фаолият - техник механизмларни яратиш бўйича тадбирлар мажмуаси: илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш, ишлаб чиқаришда замонавий техник муҳандис кадрларни тарбиялаш муҳим вазифадир. Техник ва технологик тафаккурни ривожлантириш учун талаба математик ва табиий билимларга эга бўлиши керак [1:38]. Бунинг учун, ишлаб чиқариш соҳасида, гуманитар таълим соҳасида, олий таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш керак.

Муҳандислик фаолиятини ривожлантириш учун мураккаб илмий ва техник муаммоларни ҳисоблаб ижтимоий гуманитар, табиий ва техник фанларнинг барча тузилмаларига татбиқ қилиш керак. Замонавий дунёда муҳандислик биринчи ўринда туради. Муҳандислик ютуқлари сифатида бугунги кунгача техника, технология, архитектура соҳасида инсоният томонидан барпо этилган барча ва эришилган натижалар тушунилади. Изоҳли луғатларда "муҳандис" сўзи юқори техник маълумотга эга мутахассис сифатида изоҳланади. Аммо, муҳандис-технолог олий таълимда олган билимларини ижодий ишларига татбиқ қилса, ўқишни тугатгандан сўнг ҳам доимо ўқиса ва кашфиёт ёки ихтиролар қилса, ўзини муҳандис (дизайнер, технолог, ихтиро яратувчиси) деб аташи мумкин. Кўриниб турибдики, муҳандис тор доирадаги мутахассис бўлиб, фақат технологияни билиш билан чекланган [2:326]. Аммо, аслида муҳандис илмий дунёқарашга эга кўп қиррали, маданий маълумотли инсон бўлиши керак. Бундай фазилатларсиз унинг

асосий мақсадини - илғор илмий ечимларнинг катализаторига айланишини амалга ошириш мумкин эмас.

Муҳандиснинг биринчи вазифаси табиийни сунъийга айлантириш; муҳандиснинг амалиёти замонавий техник воситаларни, муҳандислик иншоотларини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган. Муҳандислик фаолияти амалий, самарали, ижодий стандарт элементлар билан тавсифланади. Ҳар қандай муҳандислик фаолияти тасодифий таркибий қисмларга олиб келиши мумкин бўлган хатоларга йўл қўймаслик имкониятидан холи эмас. Лойиҳага қиритилган ўзгаришлар тўлиқ асосланмаслиги ёки хатто хато билан амалга оширилмаслиги мумкин, бу эса қўшимча хатоларга олиб келади. Муҳандис томонидан ишлаб чиқаришда нафақат техник тажриба, билим, кўникма, профессионаллик, балки кенг ижтимоий-маданий билимларни ва авваломбор илмий, табиий ва техникавий билимларни қўллаш муҳандислик фаолиятининг асосий ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Тенг улушдаги муҳандислик фаолияти бугунги кунда ишлаб чиқариш ва техник амалиёт буюртмаларига ҳам, яқин ва узоқ истиқболларнинг эҳтиёжларига ҳам йўналтирилган. Муайян меъёрлар тизими ва қимматли йўналишнинг мавжудлиги ижтимоий аҳамиятга эга муҳандислик изланишига туртки беради, экологик тоза ва энергия тежайдиган технологияларни амалга оширишга қаратилган. Муҳандисликнинг ўзига хослиги унинг ижодий табиатидир. Ижодкорлик инсониятда пайдо бўлаётган хусусиятни оддий материядан очиб беради, табиат қонунларини мустақил билиш асосида жамиятнинг турли эҳтиёжларини қондирадиган янги имкониятлар яратади. Муҳандислик тадқиқот фаолияти маълум бир муҳандислик муаммоси бўйича илмий билимларни ўрганишга қаратилган фаолиятдир. Муҳандислик ва технологик фаолиятнинг мазмуни - бу техник объектни ихтиро қилиш усули бўлиб ҳисобланади.

Муҳандислик фаолиятининг асосий вазифаси технологияни яратиш, ундан ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида юқори сифатли фойдаланишни ўз ичига олади. Муҳандис - бу яратувчидир ва ҳақиқатга амалий таъсир кўрсатадиган сунъий воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш фаолиятдир. Ушбу воситалар ҳар доим муҳандиснинг ижод маҳсулидир. Аммо, ҳақиқий ижодкор бўлиш, ижобий натижаларга эришиш учун муҳандис маълум қобилиятларга эга бўлиши керак. Бунга қуйидагилар қиради: янги ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни қўйиш қобилияти; муайян ишни режалаштириш ва режаларни амалга оширишга